

Алимжон Иргашевич ДАДАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари кафедраси
катта ўқитувчиси

Мардон МАРКАЕВ,
Хикматилла МАХМУДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Информатика ва ахборот технологиялари
4 курс талабалари

ИНФОРМАЦИОН КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИСОЛИДА

STUDYING THE HERITAGE OF THE ANCESTORS WITH THE USE OF INFORMATION COMMUNICATION TECHNOLOGIES - EXAMPLE OF MAHMUD KHOJA BEHBUDI

ИЗУЧЕНИЕ НАСЛЕДИЯ ПРЕДКИХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННЫХ КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ - ПРИМЕР МАХМУДА ХОДЖА БЕХБУДИ

Аннотация: Дунёда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб компьютерлар ва интернет алоқаси оммалашуви инсон амалий фаолиятининг ҳар бир жабҳасига, хусусан, диний ва жараёнларга таъсири баробарида, XXI аср ибтидосида қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Буюк аجدодимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида фикр юритар эканмиз, кўз ўнгимизда унинг ҳақиқатпарварлиги, эл-юрт тараққиёти, илм-маърифат ривожига қўшган тенгсиз ҳиссаси гавдаланади.

Таянч иборалар: Кибермакон, интернет, дин, статистика, тармоқ, хавф-хатар, lan, tas-

ix, ёшлар, ижтимоий тармоқлар, виртуал олам, кампьютер ўйинлари, рақамли технология.

Аннотация: Популярность компьютеров и Интернета в мире со второй половины двадцатого века повлияла на все аспекты человеческой деятельности, особенно на религию и процессы, а также на ряд социальных и экономических проблем начала XXI века, беспрецедентный вклад в развитие страны, развитие науки и просвещения. Когда мы думаем о нашем великом предке Махмудходже Беҳбуди, мы видим его несравненный вклад в развитие правдивости, развитие страны, науки и просвещения.

Ключевые слова: Киберпространство, интернет, религия, статистика, сеть, риск, lan, tas-ix, молодежь, социальные сети, виртуальный мир, компьютерные игры, цифровые технологии.

Annotation: The popularity of computers and the Internet in the world since the second half of the twentieth century has influenced all aspects of human activity, especially religion and processes, as well as a number of social and economic problems of the beginning of the XXI century, an unprecedented contribution to the development of the country, the development of science and education. When we think of our great ancestor Mahmudhoja Behbudi, we see his incomparable contribution to the development of truthfulness, the development of the country, science and education.

Keywords: Cyberspace, Internet, religion, statistics, is, risk, lan, tas-ix, youth, social networks, virtual world, computer games, digital technologies.

Буюк аждодимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида фикр юритар эканмиз, кўз ўнгимизда унинг ҳақиқатпарварлиги, эл-юрт тараққиёти, илм-маърифат ривожига қўшган тенгсиз ҳиссаси гавдаланади. Олимлар, ёш-тадқиқотчилар томонидан маърифатпарвар илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш бугун ҳам давом этиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Адибларини улуғлаган, уларнинг ўчмас хотирасини абадийлаштирган, илмий-маънавий меросини тадқиқ этиб, келажак авлодларига етказган халқнинг келажаги порлоқ бўлади.

Маълумки президентимиз 2017 йил 3 февраль куни адиблар хиёбонига ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари тегишли

қарорларни қабул қилди. Хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси тез фурсатда ишлаб чиқилди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 8 гектардан зиёд майдонда “Адиблар хиёбони”нинг яхлит меъморий ансамбли яратилишига эришилди. Олдинлари бу майдонда санокли адибларнинг ҳайкали бўлган. Энди эса бу масканда ерда Бехбудий, Бердак, Бобур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Огаҳий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов ва бошқа 20 дан ортиқ атоқли намояндалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди. Юртимизда ижодкорларнинг асарлари доимий равишда чоп этилаётгани ва энди уларни дунёга олиб чиқиш кераклиги долзарб масалалардан бири эканлиги таъкидлади.

Маълумки ватанимиз илдишларини чухур ўрганган Чўлпон, Мирзо Бобур, А.Навоий, А.Қодирий ва бошқа адибларнинг асарлари инглиз, араб, рус, корейц ва бошқа хорижий тилларда нашр этилмоқда. Барча бўлаётган ижобий ишлар таржимонларнинг ўз ташаббуси, қизиқиши билан амалга ошаётгани инсонни қалбини хурсанд қилади. Бундай амалий ишларни ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши лозим. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда ўзбек адабиётининг сараланган энг зўр асарлари жaxon тилларга таржима қилиш лозим. Интернет орқали тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бугун ёшлар интернетдан, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши мумкин. Бугунги кунда миллий адабиётимиз хазинасини замонавий интернет технологиялари асосида ўрганиш ва тарғиб этиш яхши йўлга қўйилмагани боис “Адиблар хиёбони” деб номланган интернет портали ташкил этиш замон талабидир. Бу орқали мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон шакли, ёзувчи ҳамда адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланиши ва бу портал инглиз, рус, ўзбек ва бошқа тилларида фаолият кўрсатса мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижлик мутахассислар фойдаланиш имкониятини яратилиши тўғрисида таклиф берилди.

Адиблар хиёбони адабиёт, маърифат, маданият масканига айлантириш замон

талабидир. Ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктирилди. Ушбу масканда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш мумкин. Адиблар ижодини чуқур ўрганиш ва уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ёзиш, замонавий сериал ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги борасида аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилди.

Ўзбекистондаги барча олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ибратли ҳаёт йўли ҳақида ватанимиздаги ёшларга маълумотлар бериш муҳим масалалардан биридир. 2021 йилда кенг тарғиб қилиш юзасидан амалга ошириладиган ишлар бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди. Йўл харитасига кўра ҳар ойда академия жамоаси томонидан барча таълим йўналишлар учун адиб ижоди билан боғлиқ очик дарслар ўтказиш, Бехбудийнинг илмий мероси, фаолияти тўғрисида битирув-малакавий ишларни ёзиш.

Магистрлик диссертациялари ҳимоясини ўтказиш, ҳаёти ва ижодини тўлиқ акс эттирувчи рисола тайёрлаш масалалари қўйилди. Ҳозирда мавжуд бўлган фанлар бўйича ўқув дастурларига киритиш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва “Ислом тафаккури” илмий журнали махсус сонини Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва илмий мероси тадқиқотларига бағишлаш лозим. Хужжатли фильм тайёрлаш ва Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги стипендияни жорий этиш каби қатор амалга ошириладиган режалар ишлаб чиқилди.

“Йўл харитаси”да белгиланган режалар ҳар ой давомида Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан тизимли равишда, босқичма-босқич амалга оширилади. Президентимиз ташаббуси билан буюк адибларимиз ҳаёти ва ижоди, илмий-маънавий меросини халқимиз онгига сингдириш, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги ушбу эзгу ишлар замирида ҳам аждодларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва мақсадлар мужассам.

Оммавий ахборот воситаларида илмий анжуманларда ёш авлод тарбиясида жадидлар ўрнини илмий асослаш керак. Таълим даргоҳлари, маҳаллаларда олиб бориладиган

тарғибот ишларида Бехбудий асарлари маънавий кадриятлар мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар бериш лозим. Университет ва мактаб дарсларида жадидлар тўғрисида кизиқарли ва долзарб маълумотлар бериб бориш ва уларни сонини максимал даражада кўпайтириш замон талаби. Талаба ва ўқувчилар тасавурида кўпроқ маълумотни ҳосил қилиши лозим. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳақида таклифлар беради.

Рақамли технологиялардан эркин фойдаланиш имконини яратиш билан бир вақтда хавф-хатарларнинг кўз илғамас даражада юқорилаётганини кўришимиз мумкин бўлади. Президент Ш.М.Мирзиёев ўзбекистондаги ёшлар маънавиятини юксалтириш муҳим вазифалардан бири. Бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббусдан учинчиси ёшлар ўртасида замонавий компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш замон талабларидандир [1:1].

Замонавий технологиялар бир жойда тўхтаб турмайди. АКТ соҳасидаги замонавий технологиялар мунтазам такомиллашиоқда. АКТ кесимида қонунчилик асослари жадаллик билан вақт ўтган сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ўз вақтида қабул қилинди. Интернет ва информацион оламда керакли маълумотни қидириш, унинг информацион оқимини қайта ишлаш, имкон қадар марказлашган серверларда сақлаш, керакли манзилга юқори тезликда узатиш, ривожланган ахборот техникалари ёрдамида амалга оширилиши одамни хурсанд қилади.

Ёш авлодни замон талаблари асосида ҳар томонлама йетук инсон қилиб тарбиялаш лозим. Маърифат ва маданиятли инсон этиб вояга йеткизиш лозим. Маълумки мавжуд бўлган тарихий жараёнларни ўрганиш ва буюк аждодларимизнинг илмий мероси асосий роль ўйнайди. Хозирги кунда буюк аждодларимиз ҳаётини ўрганиш ва уларнинг қадамжоларини замонавийлаштириш, уларни авайлаш

борасида юксак ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда миллий маънавиятимиз кун сайин ривожланиб бормоқда[2:5].

“ЗАКТ” (Замонавий ахборот коммуникация технологиялари) кафедраси томонидан ўқитувчи ва Информатика ва ахборот технологиялари 4-курс талабалари томонидан Бехбудийнинг бой маънавий-марифий бой меросини тарғиб қилиш мақсадида www.behbudiy.uz номли веб сайт тез фурсатларда ишлаб чиқилди. (1-расм)




(1-расм) Махмудхўжа Бехбудий веб сайтининг кўриниши.

Веб саҳифа қуйдагича тузилган. www.behbudiy.uz номли веб сайт замонавий сайтларининг асосий жиҳати, қиёфаси функционалликдан иборат бўлган дизайнга эга. Негаки, қоидага мувофиқ, сайт дизайни ўз ижодкорлари, ишлаб чиқарувчиларининг фалсафасини ифодалайди, акс эттиради. Web 2.0 сайтлари ахборотни фойдаланувчиларга тез ва самарали етказишга мўлжаллаб безатилган. Сайт яратувчилари берилган услубни минимализм сифатида баҳолайдилар. Минимализм рангли безакларда ҳам кузатилади [2:10].

Web 2.0 сайтларининг аксарияти оддий ранглар гаммаси, хусусан оқ-қора бўлиши билан характерланади. Одатда ортикча бурамаларсиз, думалок шрифтлар етакчилик қилади. Мавжуд бўлган матн текисланади. Унда мавжуд бўлган оқ ёки бошқа рангида йетарли катталиқда бўш жой қолдирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Агар керак бўлса ингичка чизиқлар киритилади. Дизайн аниқ ва содда бўлиши лозим. Сарлавҳалар йирик шаклда, фон оқ ёки оч рангда бўлгани мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида дизайн фойдаланувчилари


учун кулай бўлган содда веб яратиш имконини беради.

Тарғибот қилувчи ушбу платформа куйдаги бўлимлардан ташкил топган: Янгиликлар, Адиб ҳақида, Фото галерея каби бўлимларни ўз ичига олади. Саҳифани юқори қисмида Бехбудий бобомизга бағишланган маълумотларни кўриш имконияти яратилган. Фото галерея қисмида адибга бағишланган тематик расмлар мажмуаси ўз аксини топган. Янгиликлар бўлимида адибга бағишланган турли медиа янгиликларни кўришимиз мумкин. (2-расм)



(2-расм) Янгиликлар бўлимининг кўриниши.

Порталда фойдаланувчига қулайликлар яратиш мақсадида долзарб масалалар категорияси яратилди. Фойдаланувчи мавзу бўйича маълумотларни онсонгина топиш имкониятига эга. Янада жозибадорликни ошириш учун аждодларимиз меросини тарғиб қилувчи видео ва аудио лавҳалар мажмуаси жойлашган. (3-расм)



(3-расм) Долзарб масалалар бўлимининг кўриниши.

Веб-сайтнинг техник характеристикаси: бу саҳифа веб дастурлаш тили Php дан фойдаланиб яратилган. Мавжуд замонавий усулларида фойдаланилган. Маълумотлар базаси MYSQL тили ёрдамида шакиллантирилди. Шунингдек сайт базаси мунтазам равишда янгиланиб борилади. Демак, турли илм-фан соҳаларининг ўлкамизда тараққий топиши ватанимизнинг бой маданий, маънавий, иқтисодий имкониятлар заҳирасига эга бўлгани ва аждодлар меросида маърифат зиёси нечоғлик салмоқли бўлгани ҳақида ушбу сайт имконини беради[1:5].

Хулоса. Асосий мақсадимиз аждодлар меросини замонавий ахборот технологияларида фойдаланган ҳолда веб сайтлар яратиш ва ёш-авлодга буюк юрт фарзандлари эканлигимизни янада тарғиб қилиш, буюк бобокалонларимизнинг ҳаёт йўли, ижоди ва дунё илм-фанига қўшган ҳиссалари ҳақида ёшларимизга ва дунё кенг жамиятига ахборот беришдан иборат. Интернет оламда тобора авж олиб бораётган экстремистик ва террористик руҳдаги ахборотларни кенг жамоатчилик орасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида, маънавий-маърифий мазмундаги ахборотлар кўлами ва жозибадорлигини муқобил равишда кўпайтириб бориш бугунги кун талабига айланган. Бунинг учун барча соҳа вакилларида кибермакondaги тартибли амалиётини сифат жиҳатдан кўпайтириб бориш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарлари бошчилигида ўтказилган видеоселекторда илгари сурган ташаббуслари. <https://kun.uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdi-ular-nima>
2. Халқаро мониторинг ташкилоти. <http://www.internetworldstats.com/stats.htm> (2019 йил 30 июнь ҳолатига) (мурожаат санаси: 25.11.2019 йил)
3. Халқаро электр алоқа иттифоқининг 2017 йил 31 июлдаги статистик ҳисоботидан. Қаранг: <http://www.itu.int/ru/mediacentre/Pages/2017-PR37.aspx>
4. Абдуллаева Мохира Захиджановна, Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати.
5. Helland Ch. Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. University of Toronto. 2004. - P. 39.
6. Антоненко А. А. Интернет-зависимость подростков от компьютерных игр онлайн-общения: клинико-психологические особенности и профилактика. Дисс., автореф. к.псих.н., М., 2014. 19 с.
7. Dadamukhamedov Alimjon Irgashevich. (2019). Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network). International Journal of Human Computing Studies, 1(1), 1-5. <https://doi.org/10.31149/ijhcs.v1i1.347>
8. Dadamukhamedov Alimjon Irgashevich. (2019). Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network). International Journal of Human Computing Studies, 1(1), 1-5. <https://doi.org/10.31149/ijhcs.v1i1.347>
9. Irgashevich, A. D. (2020). CLOUD TECHNOLOGIES IN ISLAMIC EDUCATION INSTITUTIONS. The Light of Islam, 2020(2), 167-176.
10. Irgashevich, D. A. (2020). Development of national network (tas-ix). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 144-151.
11. Dadamuxamedov, A., Turdali, J., & Mavlyuda, X. (2020). Electronic religious programs on islamic subjects on the example of the sanctuary of Al-Hakim Al-Termizi. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(7), 316-330.
12. Dadamuxamedov, A. (2020). THE IMPACT OF ONLINE COMMUNICATION ON YOUTH EDUCATION. International Engineering Journal For Research & Development, 5(6), 10-10.
13. Карпова Д.Н. Риски непрерывной онлайн-коммуникации: теоретико-методологические подходы к изучению. Дисс., автореф. к.соц.н., М., 2016. –С. 14.
14. <http://e-adabiyot.uz/jahon/183-yuksak-manaviyat-engilmas-kuch.html>